
“ХУДУДГАЗ ФАРҒОНА” ГТФ “РИШТОНТУМАНГАЗ” БЎЛИМИ БИЛДИРИШИ

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Риштон тумани Анҳорбўйи МФЙдан ёзмоқдамиз. Газ муаммо! Ҳақини тўлаймиз десак ҳам беришмаяпти. 2 ойдан бери баллондан ҳам дарак йўқ. Илтимос, мутасаддилар бизга ёрдам берсин” номли мақола юзасидан “Худудгаз Фарғона” ГТФ “Риштонтумангаз” бўлими қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Президентининг 2014 йил 27 июндаги ПҚ-2194-сонли “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва вилоят ҳокимининг 2014 йил 7 июлдаги №163-сонли қарори ҳамда туман ҳокимининг 2014 йил 10 июль кунги №754-сонли қарорига асосан Риштон тумани Анҳор бўйи МФЙ қаниқарсиз (таббий газ етиб келиши қийин бўлган) ҳудуд бўлганлиги сабабли таббий газдан узилиб, МФЙдаги 684 та истеъмолчи суюлтирилган газга мослаштирилган. Ҳозирги кунда Анҳор бўйи МФЙга суюлтирилган газ Риштон тумани ҳокимлиги ҳамда “Худудгаз Фарғона” ГТФ “Риштонтумангаз” бўлими томонидан тасдиқланган режа график асосида таъминланиб келитмоқда. 2020 йил 23 ноябрь кунидан ҳозирги кунга қадар суюлтирилган газ бир меъёрда таъминланиб келинмоқда.

2020-11-26 10:48:31